

ЛОЛА НОРҚУЛОВА

# БАХТИМ ҚҰШИФИ


*Шеърлар*

Карши  
„Насаф“ нашриёти  
2004

84(55)6-3

Шеър билан дунёни мушоҳада этиш инсонни кўнгил ростгўйлиги билан рўбарў этади. Бу учрашувда сўзни зъоззлаган одамгина ўз фикрини кўплар билан баҳам кўрмоги мумкин. Ёш ижодкор Лола Норқулованинг ушбу “Бахтим қўшиғи” китобидаги шеърларда кўнгилдаги энг покиза туйғулар тараннум қилинган.

1031205  
0002



H 4702620201-304 304-2004  
376 (12) 2004

© Л. НОРҚУЛОВА - 2004 й.

ISBN 5-7323-0505



Лола Норқулова 1980 йил 1 июлда Нишон туманининг Наврӯз қишлоғида туғилган.

1997 йил А.Навоий номли 12 - ўрта мактабнинг 11-синфини тамомлаган. 1998 йилда 11-Касб-хунар мактабини имтиёзли диплом билан тамомлаган.


2003 йил Қарши педагогика билим юртининг бошлангич синф ўқитувчиси бўлимини тугаллаб, ҳозирги кунда Нишон қишлоқ хўжалик касб-хунар коллэжида ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда.

Мұхаббат яшарар лаҳзама-лаҳза,

Мұхаббат оламни гул каби қучар.

Мұхаббат атрига қўлим текизсам,

Капалак мисоли омонга учар.



## БИЛАМАН

Баҳорнинг шамоллари эмин-эркин учарлар,  
Қир-адирлар тўшини қизғалдоқлар кучарлар.  
Бир кун менинг бошимга тушса зифирдек савдо,  
Сирдошларим аввало, тоғдан нари кўчарлар.

Кўзимга кўхна дунё тор бўлади қанчалар,  
Орзуларим зим-зиё худди тощдек қотади.  
Кўнглимни овтишга кимдир ҳамдард бўлади,  
Шунда биламан аниқ онам ғамга ботади.

Мухббатга ҳеч қачан, зор бўлмасин ҳеч кўнгил,  
Кўз ёши дарё бўлиб, сўнмасин баҳт қуёши.  
Ғаниматдир бу дамлар, омон бўлсин ҳар киши,  
Топгани ҳалол бўлсин, тўкилмасин ҳеч оши.




## СЕВГИЛИМ

Сенга надоматим түқдир севгилим,  
Ташлаб кетма зинхор худди гул мисол.  
Вайрон бўлар қалбим ҳазонрезгидай,  
Бахтимнинг ҳар барги нетонгки увол.

Сендаги журъатга қиласман ҳавас,  
Сеҳрлай оласан дуч келсак дилим.  
Менда-чи, йўқ эрур бир калима сўз,  
Ҳислар занжирига тушади тилим.

Бир куни кўзимга тўлса бу тупроқ  
Ва бирга орзуйим кўмилса мутлоқ.  
Сен менинг дардимни биларсан шунда  
Ва қалбингга тушар бир олам титроқ.

Кўлимда қалам, ўйлайман узоқ,  
Дунёга кёлганим кимнингдир баҳти.  
Ахир кўнгил кўнгилни севса,  
Гуллагай ҳамиша тақдирнинг таҳти.




## БАХТИМ ҚҰШИФИ

Гулларга боқаман тақрору тақрор,  
Менинг қарашимда йүқ ахир малол.  
Мен хам айта олсам туриб бемалол,  
Мен жуда севаман, сени эй баҳор.

Кизил гулга боқсам баъзида ёниб,  
„Севганинг борми, гул?” дея сўрайди.  
Юрагимда армон ётар уюлиб,  
Гўё бошим узра осмон нурайди.


Вақт ўтар ҳамиша орқага боқмай,  
Қуёш саховати тугамас сира.  
Биламан, ухламас менинг қалбим ҳам,  
Бахти� құшифини кўйлаб тонг отар.

---



## БОЛАЛИК

Қизғалдоқлар пойгинамга поёндоздир,  
Кир-адирлар гүшасига сиғмас улар.  
Капалаклар учар эркин қанот ёзиб,  
Ох, қалбим ҳайратингдан майсалар кулар.  
Болалигим, сени яна излаб келдим,  
Остонанга бошим уриб бўзлаб келдим.  
Ҳаётда мен гоҳи топдим, гоҳ йўқотдим,  
Чексиз уммон орзуларга ўзим отдим.  
Энг лаззатли дамим экан болалигим,  
Ўша ширин дамларимни мен йўқотдим.  
Болалигим, сени яна излаб келдим.  
Остонангга бошим уриб бўзлаб келдим.  
Остонангнинг ҳар қаричи олтин экан,  
Бугун буни англаб турар юраккинам.  
Мени яна майсазорга бошлармикан,  
Афсунларга тўла жажжи эртаккинам.  
Болалигим, сени яна излаб келдим,  
Остонангга бошим уриб бўзлаб келдим.




## О Н А Ж О Н

Тонгда туриб гуллар экаман,  
Йўлингизга кўзлар тикаман.  
Сиз томонга назарим тушса,  
Гўёки мен учиб кетаман.

Хар лаҳзада сочингиз силаб,  
Худойимдан умр тиласам.  
Биз фарзандлар бефарқмиз баъзан,  
Дўстлар гапнинг сарасин айтсам.

Йифламаган кўз ёшларингни  
Онажоним, майли менга бер.  
Сен йифлама, бу мен учун оғир,  
Фақатгина кулибгина юр.



## МЕН КЕЛДИМ

Сен учун яшагум, жәнім азизим,  
Сен учун талпиндім мангулик йүлга.  
Фақат сенинг билан ҳаётим шириң,  
Жоним, сен эришдинг муҳаббатимга.

Күнгил торларини чертдім бирма-бир,  
Наҳот пайванд бўлса, дилинга дилим.  
Шу топта бир сўэни сўзлайди тилим,  
Фақат сен эришдинг муҳаббатимга.

Муҳаббат йўлида сарсона бўлдим,  
Севдиму севилдим мастона бўлдим.  
Азизим, мен келдим охир қошинга,  
Фақат сен эришдинг муҳаббатимга.




## МУҲАББАТ

Муҳаббат вужудда ёнади лов -лов,  
Муҳаббат - кўнгилга таянчdir ион.  
Муҳаббат - гоҳ баҳт, гоҳида азоб,  
Муҳаббатдан гоҳо инсон шоҳ эрур.

Муҳаббат - баъзида қароғда ёшим,  
Муҳаббат - пинҳона менинг дардкашим.  
Муҳаббат йўлида сафарга чиқсан,  
Муҳаббат тилида шартdir сўзлашим.

Муҳаббат яшарар лаҳзама-лаҳза,  
Муҳаббат оламни гул каби қучар.  
Муҳаббат атрига қўлим текизсан,  
Капалак мисоли осмонга учар.




## ИСТАК

Қанийди дарахтдек соя беролсам,  
Бирор инсонга төгсайди нафим.  
Қанийди қип-қизил атиргул бўлсам,  
Севишганлар сезса нафасим.

Қанийди булбулдай боғларда шодон,  
Сайрасам, чечаклар отсалар хандон.  
Қанийди ҳофиздек хиргойи қилсам,  
Ошиқ қалблар дардин бир зумга тилсам.

## СЕВГИ

Учрашдик илк бора дарё бўйида,  
Кўзинга кўз тушди севдимми шу он?  
Севгининг нелигин билмаган юрак,  
Шу топда кўзингдан топгандир макон.



## ГУНОХ

Айтсам, азизларим, барчамиз гувох,  
Босган қадамимиз гоҳида гуноҳ.  
Шайтон йўлларига кирганда баъзан,  
Кейин пушаймон еб излаймиз паноҳ.

Ҳатто ҳаётда мен ўз падарига,  
Бир бор кўл кўтаргани касларни кўрдим.  
Ҳатто волидаси қадрига етмай,  
Кўзини кўр қилиб қўйганин кўрдим.

Кўриб туриб унутамиз гоҳид?,  
Шафқат талабларни босиб ўтамиз.  
Эрта бир кун биз ҳам шу ҳолга тушсак,  
Кимга ёлворамиз, айтинг нетамиз?



## ЙИГЛАМАНГ

Яшадимми, демак изим қолади,  
Халқ учун айтилган сүзим қолади.  
Бир куни бандасини оллох олади,  
Ёлвориб сўрайман, йигламангизлар.

Ўлимдан кўрқмасман ҳаётда, лекин  
Умр кўпригидан ўтарман секин.  
Майли хазон мисол тўкилсамда мен,  
Ёлвориб сўрайман, йигламангизлар.

Хотира болалик юрган қўчалар,  
Онажоним алла айтган кечалар.  
Ёшлигимда курган гўзал уйчалар.  
Ёлвориб сўрайман, йигламангизлар.



## АРМОНЛИ ДУНЁ

Бошимга солди савдоларини,  
Қалбимга солди наволарини.  
Армонли дунё бу, армонли дунё,  
На сенга, на менга, қилмади вафо.

Осмон йиглади вужуди қора,  
Булбул сайради ҳасрати нола.  
Лек қалб қүшиккәз боргайдир тұлиб,  
Демак, орзуйим қолмабди сўлиб.


## О Н А М Г А

Гўдаклик чофимда заҳматлар чекиб,  
Бошимга парвона бўлгандир онам.  
Энди қадам қўйиб тилга киргачда,  
Йўлларимга гуллар эккандир онам.

Онамни ўхшатдим ҳатто қуёшга,  
Олтину зебу зар, қимматли тошга.  
Қалдирғоч қаноти энг гўзал қоши,  
Энди кўргиликлар кўрмасин боши.

Онажон, минг бора сўрайман уэр,  
Сизсиз гўзал ҳаёт бир чимдим туздир.  
Фалакка илтижо қилиб ўтирган,  
Ўша сиз яратган камтарин қиздир.

Онанинг қадрига етган қиз учун,  
Бир умр сўрайман жаннат нурини.




## А К А М Г А

Акажон, мен сизни қаттиқ соғиндим,  
Қанийди шамолдек елиб келсангиз.  
Аммо сиз, нетайин жуда олисда,  
Акажон, мен сизни қаттиқ соғиндим.

Юрак құрғұр бүзлар бүзтүрғай каби,  
Түйларда ўрнингиз жуда билинар.  
Ёрингиз армонда-ёлғиз қалдирғоч,  
Унинг дили ҳар күн минг бор тилинар.

Ота-онам қақшаб сассиз йиглайди,  
Опа-сингилларнинг кўқайи кўқдир.  
Оғалар кўксисда тоғ каби армон,  
Уларнинг ёнида энди сиз йўқдир.


Акажон, мен сизни қаттиқ соғиндим,  
Қанийди шамолдек елиб келсангиз.  
Аммо сиз, нетайин жуда олисда,  
Акажон, мен сизни қаттиқ соғиндим.



## МУҲАББАТ ОНТИ

Ҳар лаҳза эсласам юрак энтикар,  
Дунёнинг ғамини бир зум унтар.  
Вафосиз кўнгилни севги тарқ этар,  
Зулмат тўла қалбга зоғлар кеб кетар.

Севги шаробидан симирдим бугун,  
Гулларнинг нафаси нақадар майин.  
Висол деб аталган онларга мадхим,  
Мен сени севаман севганим сайин.



### **Сену**

Кечаги кун ҳамон ёдимда,  
Бир зумгина бўлдинг ёнимда.  
Оҳиста бош кўйиб елкамга,  
Дединг: “Яшаяпсан сен ҳаётимда”.

### **Мен**

Ишондим ахир мен мұхаббатингга,  
Жоним ҳам сеники деган аҳдингга  
Курашгум толею ҳатто баҳтим чун  
Севгилим бор бўлгин менинг баҳтимга.





## ШЕЪРИЯТ

Шеърият кўнгилнинг изҳори эрур,  
Шеърият оддий сўз “она” мисоли.  
Шеърият достондир алплар ҳақида,  
Шеърга айланмаган ҳисларим қанча.

Бошимга тушган паға-паға қор,  
Баъзилар ўйлади сочнинг толаси.  
Ўша оппоқ қор ҳам қўшиқдир балки,  
Балки сукунатнинг сўнгсиз ноласи.

Шеърият инсонни сирдоши-ёри,  
Оғир дамларда бўлғуси қанот.  
Шеърият назмда дардимдир менинг,  
Шеърият-балки сен абадий ҳаёт.




## МЕН СЕВАМАН

Айтинг- айтинг ўланларни айтишмасин,  
Менинг күнглим аз: тутган бу кечада.  
Қолди менинг севгим-эзгу тилакларим,  
Мени баҳтдан жудо қилди ким бўлса-да.

Ҳаёт чархинг айланади-айланади,  
Қилмишингдан саҳроларга қочгим келар.  
Ҳар саволим менг жойидан байланади,  
Юрагимни чил-чил қилди ким бўлса-да.

Мажнунтолдек бошим эгиб туролмайман,  
“Бахтлимисан, жоним?” дея суролмайман.  
Бугун сенинг кўлларингдан ўзга тутар,  
Нетай энди, тонгни бирга кутолмайман.

Айтинг-айting ўланларни айтишмасин...



## ТО НГ

Тонгда турдим ой мүралаб осмондан  
Гүзэллигин күэ-күэ қилиб турарди.  
Оппоқ булат этагига битталаб,  
Юлдузларни гүё териб юрарди.

Гүзэл тонгдир сениг хандон отишинг,  
Гүзэл тонгдир сенинг менга боқишинг.  
Қани энди билсанг жоним жаҳоним,  
Тонгда сайр қилишлар менга ёқишин...




## О П А М Г А

Гоҳида сиғмадим шу кенг дунёга,  
Учиб кетгим келди баланд самога.  
Қайтара олмасди ҳатто севгилим,  
Дардимга шеригим бўлса гар опам.

Опам дер менга боқиб: „Жоним синглим”,  
Жонингга жон тикай, қадрдон синглим.  
Атрофга боқ қандай олам мунаввар,  
Оллоҳим қўллагай кимда истак бор.

Сабрнинг доимо меваси олтин,  
Йўлингга муаттар таратар райхон.  
Ҳар ишинг эзгудир, ниятинг холис,  
Мушкулинг ҳамиша бўлади осон.

Опамнинг ҳар сўзи қалбимга қувват,  
Йшончим ортади яна дўстларга.  
Яна шеърга шўнғиб кетади қўнглим,  
Қайрилиб боқмайман каму кўстларга.



## БОЛАЛИК

Капалак сингари учардим эркин,  
Кувончдан сакрардим оху сингари.  
Андуҳ нималигин билмай юрардим,  
Орзуларим учарди яна илгари.

Сен-чи, болалигим, шаршара мисол,  
Киру адирларда шамолдек елдинг.  
Агар дилгинингга келмаса малол,  
Айт-чи, нега бугун ёдимга келдинг?

Сен ҳақингда биттим бугун шеър,  
Ҳаёт сарҳадини кезиб сен юргин.  
“Мен сендан кетаман”, деган сўзингни,  
Ёлвораман бир оз ишлатмай тургин.

## МУНДАРИЖА

Биламан.....	4
Севгилим.....	5
Бахтим қүшиғи.....	6
Болалик.....	7
Онажон.....	8
Мен келдим.....	9
Мұхаббат .....	10
Истак.....	11
Севги .....	11
Гуноҳ.....	12
Йиғламанг.....	13
Армонли дунё.....	14
Онамга.....	14
Акамга.....	15
Мұхаббат онти.....	16
Сену.....	17
Шеърият.....	18
Мен севаман.....	19
Тонг.....	20
Онамга.....	21
Болалик.....	22

*Адабий-бадиий нашр*

**ЛОЛА НОРҚУЛОВА**

**БАХТИМ ҚҰШИФИ**

*Шеърлар*

*Мұхаррір: Йүлдошбек Кенжә*  
*Техник мұхаррір: Самандар Мусаев*  
*Мусаххіх: Мусо Тұлаганов*  
*Компьютерчи: Алиёр Муродов*

**ИБ № 0826**

Теришга 21. 12. 2004 йилда берилди. Босишига 28.12. 2004  
йилда рухсат этилди. Бичими 60x84  $\frac{1}{32}$ . Газега көгөзи. Офсет  
үсүлида чоп этилди. Шартли босма табоби 2,02 Шартли бүёк-  
оттиск 2,03 Нашр босма табоби 2,00. 500 нұсха. 98 -шартнома  
№ 03 -буортма. Эркин нархда.

**„Насаф“ нашриёти, 730018, Қарши шаҳри, Мустақил-  
лик шоҳ кўчаси, 22-уй.**

Графика “МЧЖ”

730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси.